



ISSN 2181-9130

Doi Journal 10.26739/2181-9130

# ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

10 ЖИЛД, 10 СОН

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ 10, НОМЕР 10

JOURNAL OF LAW RESEARCH

VOLUME 10, ISSUE 10



ТОШКЕНТ-2025

# ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF LAW RESEARCH

№10 (2025) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2025-10>

**Бош муҳаррир:**  
**Главный редактор:**  
**Chief Editor:**

**Abdurasulova Qumriniso Raimqulovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Бош муҳаррир ўринбосари:**  
**Заместитель главного редактора:**  
**Deputy Chief Editor:**

**Fayziev Shoxrud Farmonovich**  
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

## ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

12.00.01 - ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ НАЗАРИЯСИ ВА ТАРИХИ. ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ / ТЕОРИЯ ПРАВА И ГОСУДАРСТВА, ИСТОРИЯ ПРАВОВЫХ УЧЕНИЙ / THEORY OF LAW AND STATE, HISTORY OF LEGAL DOCTRINES

**Boboyev Halimboy Boboyevich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Ahmedshaeva Mavlyuda Axatovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Muxitdinova Firyuza Abdurashidovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Adilxodjayeva Surayyo Maxkamovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Sattorov Abdug'afvor**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Yosuke Shamoto**  
yuridik fanlar doktori, professor (Yaponiya)

**Umarxonova Dildora Sharipxanovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Nematov Jo'rabek Nematilloevich**  
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

12.00.02 - КОНСТИТУЦИОННЫЙ ҲУҚУҚ, МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚ, МОЛИЯ ВА БОЖХОНА ҲУҚУҚИ / КОНСТИТУЦИОННОЕ ПРАВО; АДМИНИСТРАТИВНОЕ ПРАВО; ФИНАНСОВОЕ ПРАВО / CONSTITUTIONAL LAW; ADMINISTRATIVE LAW; FINANCIAL RIGHT

**Malikova Gulchexra**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Xusanov Ozod Tillabayevich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Selimanova Svetlana Mixaylovna**  
yuridik fanlar doktori (O'zbekiston)

**Xvan Leonid Borisovich**  
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

**Peshkova Xristina Vyacheslavovna**  
yuridik fanlar doktori, dotsent (Rossiya)

**Sung Un Lee**  
yuridik fanlar doktori, professor (Janubiy Koreya)

12.00.03 - ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ. ТАДБИРКОРЛИК ҲУҚУҚИ. ОИЛА ҲУҚУҚИ. ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ ҲУҚУҚ / ГРАЖДАНСКОЕ ПРАВО; ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСКОЕ ПРАВО; СЕМЕЙНОЕ ПРАВО; МЕЖДУНАРОДНОЕ ЧАСТНОЕ ПРАВО / CIVIL LAW; BUSINESS LAW; FAMILY LAW; PRIVATE INTERNATIONAL LAW

**Oqyulov Omonboy**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Ro'zinazarov Shuhrat Nuraliyevich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Ruziyev Rustam Jabborovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Borotov Mirodiljon Xomudjonovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Toshev Boboqul Norqobilovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Shomuxamedova Zamira Shoislamovna**  
yuridik fanlar doktori, (O'zbekiston)

**Ahmad Issa Altweissi**  
yuridik fanlar doktori, professor (Iordaniya)

**Mexmonov Kambariddin Miradxamovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

12.00.04 - ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ. ХЎЖАЛИК ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ. ҲАҚАМЛИК ЖАРАЁНИ ВА МЕДИАЦИЯ / ГРАЖДАНСКОЕ ПРОЦЕССУАЛЬНОЕ ПРАВО; ХОЗЯЙСТВЕННОЕ ПРОЦЕССУАЛЬНОЕ ПРАВО; АРБИТРАЖНЫЙ ПРОЦЕСС И МЕДИАЦИЯ / CIVIL PROCEDURE LAW; ECONOMIC PROCEDURAL LAW; ARBITRATION PROCESS AND MEDIATION

**Esanova Zamira Normurodovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Mamasidiqov Muzaffar Musajonovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Jason A.**  
Kanton Federal sud markazi (AQSH)

**Borut Strazisar**  
Yuridik bo'lim boshlig'i (Sloveniya)

12.00.05 - МЕҲНАТ ҲУҚУҚИ. ИЖТИМОИЙ ТАЪМИНОТ ҲУҚУҚИ / ТРУДОВОЕ ПРАВО; ПРАВО СОЦИАЛЬНОГО ОБЕСПЕЧЕНИЯ / THE LABOR LAW; SOCIAL SECURITY LAW

**Usmanova Muborak Akmalxanovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Gasanov Mixail Yuriyevich**  
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

**Sattorova Gulnoza Djurakulovna**  
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

**Murodova Gulnora**  
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

**Denisov Gleb**  
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)

**Fayziyev Shuxrat Xasanovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Usmonov Muhammadi Bahridinovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Xolmuminov Juma**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Jo'rayev Yuldash Achilovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Nurmatov Mirg'olib Mirzayevich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Po'latov Baxtiyor Xalilovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Salomov Baxrom Salomovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Osmonaliyev Qayrat**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Mirzayev Aziz**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Aleksey Kibalnik**  
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)  
**Kudryavtsev Vladislav Leonidovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)  
**Sergey Shoshin**  
yuridik fanlar doktori, dotsent (Rossiya)  
**James B.**  
Eaglin Federal sud markazi (AQSH)

**Rustambayev Mirzayusup Hakimovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Zufarov Rustam Axmedovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Kabulov Rustam**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Rajabova Mavjuda Abdullayevna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Taxirov Farhod**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Ismailov Isomiddin**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Hamidov Nurmuhammad Orif o'g'li**  
yuridik fanlar bo'yicha falsafa doktori (O'zbekiston)  
**Yuldoshev Rifat Raxmadjonovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (Tojikiston)  
**Djansarayeva Rima Ernatovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (Qozog'iston)  
**Yelena Antonyan Aleksandrovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)  
**Matthew Light**  
yuridik fanlar doktori, professor (Kanada)  
**Qo'shayev Nurali Mahmudovich**  
yuridik fanlar nomzodi, dotsent (O'zbekiston)


**Inog'omjonova Zumratxon Fatxullayevna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Pulatov Yuriy Safiyevich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**To'laganova Gulchehra Zaxitovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Muxiddinov Faxriddin Muxiddinovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Mirzov Davron Miragzamovich**  
yuridik fanlar doktori (O'zbekiston)  
**Rijakov Aleksandr Petrovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)

**Stoyko Nikolay Genadyevich**  
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)  
**Iskandarov Zayniddin**  
yuridik fanlar doktori, professor (Tojikiston)  
**Sergey Pen**  
yuridik fanlar doktori, professor (Qozog'iston)  
**Aleksey Purs**  
yuridik fanlar doktori, dotsent (Belarus)  
**Jurgen Maurer**  
yuridik fanlar doktori, professor (Germaniya)  
**Kevin Curtin**  
yuridik fanlar doktori, professor (AQSH)

**Ismoilov Bahodir Islamovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Matkarimova Gulchehra Abdusamatovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Yuldasheva Govxerjan**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Alexander Trunk**  
yuridik fanlar doktori, professor (Germaniya)


<b>1. Mashrapov Madorbek Zoxidbek o‘g‘li</b> O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASIDA AVTOMOBIL YO‘LLARI SOHASIDA DAVLAT BOSHQARUVINI MA‘MURIY-HUQUQIY TARTIBGA SOLISH.....	5
<b>2. Хошимова Юлдузхон Олимжонова</b> СТОИМОСТЬ ТОВАРНОГО ЗНАКА В СИСТЕМЕ НЕМАТЕРИАЛЬНЫХ АКТИВОВ: ПРАВОВОЕ РЕГУЛИРОВАНИЕ И ОЦЕНКА.....	15
<b>3. Овулов Пўлатжон Илхом ўғли</b> ҲУҚУҚ ВА МУОМАЛА ЛАЁҚАТИ, ДАВЛАТ ИММУНИТЕТИ – ДАВЛАТ ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ ЖАВОБГАРЛИГИНИНГ МУҲИМ ЭЛЕМЕНТИ СИФАТИДА.....	23
<b>4. Шукурова Малика Шахобидинова</b> ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ ҲУҚУҚДА НИКОҲ ТУШУНЧАСИ ВА ОИЛАВИЙ МУНОСАБАТЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ.....	33
<b>5. Umarov Abbosjon Asliddin o‘g‘li</b> SUG‘URTA BOZORINI RAQAMLASHTIRISH SHAROITIDA SUG‘URTA FAOLIYATINI TARTIBGA SOLISHNING HUQUQIY MECHANIZMLARINI TAKOMILLASHTIRISH.....	45
<b>6. Ғайбуллаев Фаррух Юлдашевич</b> СУД ҲОКИМИЯТИ ФАОЛИЯТИ УСТИДАН ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ: ҲОЛАТИ, ТАҲЛИЛИ, ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ.....	59
<b>7. Maxmudov Alisher Abdusalimovich</b> YEVIROPA PROKURATURASI – ERKINLIK XAVFSIZLIK VA ODIL SUDLOV KAFOLATI..	66
<b>8. Сафаев Мансурбек Илхомжонович</b> ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР АСОСИДА ТАШКИЛ ЭТИШ ЗАРУРАТИ.....	73
<b>9. Xudaykulov Feruzbek Xurramovich</b> FIRIBGARLIK JINOYATIDA SUN‘IY INTELLEKT JINOYAT SODIR ETISH VOSITASI SIFATIDA: QONUNCHILIK, AMALIYOT VA MUAMMOLAR.....	82
<b>10. Баракаев Лазизжон Отакулович</b> ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА МАХСУС ИҚТИСОДИЙ БИЛИМЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ПРОЦЕССУАЛ ШАКЛЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИХАТЛАРИ.....	93
<b>11. Имомназаров Алишер Хасанович</b> ТЕРГОВ ҲАРАКАТЛАРИ ТИЗИМИДА КЎЗДАН КЕЧИРИШНИНГ ЎРНИ ВА БОШҚА ТЕРГОВ ҲАРАКАТЛАРИ БИЛАН ЎЗARO НИСБАТИ ТАҲЛИЛИ.....	103
<b>12. Қурбонов Шухратжон Шавкатжонович</b> ТЕРГОВ ҲАРАКАТЛАРИНИ ЎТКАЗИШНИНГ МОДДИЙ(ФАКТИК) АСОСЛАРИНИ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ МУАММОЛАРИ.....	113



**Шукурова Малика Шахобидиновна,**  
 Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги  
 Одил судлов академияси мустақил изланувчиси  
 E-mail: shukurovamalika322@gmail.com

## ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ ҲУҚУҚДА НИКОҲ ТУШУНЧАСИ ВА ОИЛАВИЙ МУНОСАБАТЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ

**For citation:** Shukurova Malika Shakhobidinovna. THE CONCEPT OF MARRIAGE AND CHARACTERISTICS OF FAMILY RELATIONS IN PRIVATE INTERNATIONAL LAW. Journal of Law Research. 2025, 10 vol., issue 10.

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.17353151>

### АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада халқаро хусусий ҳуқуқ доирасида чет эл элементи иштирокидаги никоҳ-оила муносабатларини тартибга солиш хусусиятлари таҳлил қилинган. Чет эл фуқаролари ёки фуқаролиги бўлмаган шахслар иштирокида никоҳ тузиш, никоҳдан ажратиш, никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш, шунингдек, эр-хотин ва ота-она билан болалар ўртасидаги мулкий ҳамда шахсий номулкий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишнинг долзарблиги таъкидланган. Турли мамлакатлар қонунчилиги ўртасидаги фарқлар ҳолатларида қўлланиладиган коллизия нормалар таҳлил қилинган. Халқаро элемент мавжудлигида ҳуқуқни танлаш ва юрисдикциянинг аҳамиятига алоҳида эътибор қаратилади. Шунингдек, халқаро хусусий ҳуқуқ предмети аниқлаш бўйича турли олимларнинг фикрлари ёритилган ва трансчегаравий муносабатларда адолатли ҳуқуқий тартибга солиш учун коллизия методларининг аҳамияти таъкидланган.

**Калит сўзлар:** халқаро хусусий ҳуқуқ, никоҳ-оила муносабатлари, чет эл элементи, коллизия нормалар, ҳуқуқни танлаш, юрисдикция, ҳуқуқий тартибга солиш, фуқаролик ҳуқуқи, оила ҳуқуқи, трансчегаравий муносабатлар.

**Шукурова Малика Шахобидиновна,**  
 Самостоятельный соискатель Академии правосудия  
 при Высшем судебном совете Республики Узбекистан  
 E-mail: shukurovamalika322@gmail.com

## ПОНЯТИЕ БРАКА И ХАРАКТЕРИСТИКИ СЕМЕЙНЫХ ОТНОШЕНИЙ В МЕЖДУНАРОДНОМ ЧАСТНОМ ПРАВЕ

### АННОТАЦИЯ

В данной статье рассматриваются особенности регулирования брачно-семейных отношений с участием иностранного элемента в контексте международного частного права. Подчеркивается актуальность правового урегулирования браков, расторжения брака, признания брака недействительным, а также имущественных и личных неимущественных отношений между супругами и между родителями и детьми, если в таких отношениях

участвуют иностранные граждане или лица без гражданства. Анализируются коллизионные нормы, применимые в случаях противоречия законодательств различных стран. Отмечается значение выбора права и юрисдикции при наличии международного элемента. Также освещаются подходы различных учёных к определению предмета международного частного права и подчеркивается важность применения коллизионного метода в целях обеспечения справедливого право применения в трансграничных отношениях.

**Ключевые слова:** международное частное право, брачно-семейные отношения, иностранный элемент, коллизионные нормы, выбор права, юрисдикция, гражданское право, семейное право, трансграничные отношения.

**Shukurova Malika Shakhobidinovna,**  
Independent researcher at the Academy of Justice  
under the Supreme Judicial Council of the Republic of Uzbekistan  
E-mail: shukurovamalika322@gmail.com

## THE CONCEPT OF MARRIAGE AND CHARACTERISTICS OF FAMILY RELATIONS IN PRIVATE INTERNATIONAL LAW

### ANNOTATION

The article examines the specifics of regulating marital and family relations involving a foreign element within the framework of private international law. It highlights the relevance of legal regulation concerning marriage, divorce, annulment of marriage, as well as property and personal non-property relations between spouses and between parents and children when foreign citizens or stateless persons are involved. The article analyzes conflict-of-law rules applicable in cases of discrepancies between the legislations of different countries. The importance of choice of law and jurisdiction in the presence of an international element is emphasized. The approaches of various scholars to defining the subject matter of private international law are also discussed, underscoring the significance of applying conflict-of-law methods to ensure fair law enforcement in cross-border relations.

**Keywords:** private international law, marital and family relations, foreign element, conflict-of-law rules, choice of law, jurisdiction, legal regulation, civil law, family law, cross-border relations

Дунёда ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг жадал ривожланиши натижасида чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар иштирокида шаклланаётган оилавий муносабатлар кўлами кенгайиб бормоқда. Бу эса, халқаро (хорижий) элемент иштирок этган турли хил ҳуқуқий муносабатларни, жумладан, никоҳ тузиш, никоҳдан ажратиш, никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш, эр-хотин ўртасидаги шахсий номулкӣ ва мулкӣ муносабатлар, шунингдек ота-она ҳамда болалар ўртасидаги мулкӣ муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш заруратини келтириб чиқармоқда.

Бундай муносабатлар юзасидан турли давлатлар қонунчилиги ўртасида тафовутлар мавжуд бўлганда, уларни ҳал қилишда халқаро хусусий ҳуқуқ нормалари ҳамда миллий қонун ҳужжатлари асосида мукамал, қонуний ва адолатли ечим топиш муҳим аҳамият касб этади. Мазкур муаммоларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш нафақат алоҳида шахслар манфаатини, балки давлатлар ўртасидаги ҳуқуқий ҳамкорлик ва барқарорликни таъминлаш нуқтаи назаридан ҳам долзарб ҳисобланади.

Халқаро хусусий ҳуқуқ доирасида никоҳ муносабатлари билан боғлиқ қонунчиликни такомиллаштириш масалаларини ўрганишдан олдин, аввало, мазкур муносабатларнинг халқаро хусусий ҳуқуқ тартибида кўриб чиқилишига олиб келувчи омилларни аниқлаш зарур. Бу борада, энг аввало, халқаро хусусий ҳуқуқнинг предмети нималардан иборат эканини ва уни ташкил этувчи ҳуқуқий муносабатлар қандай хусусиятларга эга эканини таҳлил қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Хусусан, фуқаролар, фуқаролиги бўлмаган шахслар ва чет эл (хорижий) элементи мавжуд бўлган ҳолларда юзага келадиган никоҳ муносабатлари халқаро хусусий ҳуқуқнинг

предмети сифатида қаралади. Бундай муносабатларнинг мазкур соҳадаги ҳуқуқий тартибга солиш доирасига кириши, аввало, улардаги халқаро хусусий ҳуқуқий белги – яъни, чет эл элементининг мавжудлиги билан белгиланади. Ана шундай элементлар қаторига муносабат иштирокчиларининг фуқаролиги, доимий яшаш жойи, муносабат юзага келган ёки амалга оширилган ҳудуд ва бошқа халқаро хусусиятга эга омиллар киради.

Шу нуқтаи назардан, никоҳ муносабатларини халқаро хусусий ҳуқуқ доирасида ҳуқуқий тартибга солишга оид масалаларни ҳал этишда, аввало, ушбу муносабатлар қайси ҳолатларда халқаро хусусий ҳуқуқ предметига айланиши ва уларни тартибга солишда қайси ҳуқуқий механизмлар (коллизия нормалар, ҳуқуқни танлаш ва ҳ.к.)ни қўллаш зарурлигини аниқ белгилаб олиш талаб этилади.

Г.Ю.Федосееванинг ёзишича, “халқаро хусусий ҳуқуқ предметига фақатгина халқаро характерга эга бўлган фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар киради” [1]. В.П.Звеков эса, халқаро хусусий ҳуқуқнинг ёрқин намоёндалари бўлмиш Л.А.Лунц ва И.С.Перетерскийларнинг фикрларига асосланган ҳолда, “халқаро хусусий ҳуқуқ халқаро ҳаёт шароитида вужудга келадиган хусусий ҳуқуқий муносабатларни тартибга солади” [2], деб таъкидлайди.

Г.К.Дмитриеванинг фикрича, “халқаро хусусий ҳуқуқ предметини ташкил этувчи муносабатлар иккита асосий хусусият билан характерланади: биринчидан, бу хусусий ҳуқуқий муносабатлар; иккинчидан, чет эл элементи қатнашган муносабатлар” [3].

Демак, юқоридаги таҳлиллардан келиб чиққан ҳолда, халқаро хусусий ҳуқуқнинг предметини чет эл элементи билан мураккаблашган хусусий-ҳуқуқий муносабатлар ташкил этишини асосли равишда таъкидлаш мумкин. Бундай муносабатлар фуқаролик, оилавий, меҳнат ва процессуал хусусий ҳуқуқ соҳаларида юзага келиб, иштирокчиларнинг фуқаролиги, яшаш жойи, ҳуқуқий ҳаракат амалга оширилган ҳудуд каби халқаро характерга эга белгилар билан ажралиб туради. Шу жиҳатдан, бундай муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишда ҳуқуқни танлаш (коллизия) нормалари ва юрисдикция масалалари алоҳида назарий ва амалий аҳамият касб этади.

Никоҳ муносабатларида чет эл элементининг мавжудлиги бундай ҳуқуқий муносабатларнинг халқаро хусусий ҳуқуқ тартибида кўриб чиқилишига асос бўлади. Ушбу муносабатлар иштирокчиларидан бири ёки иккаласи чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс бўлган, шунингдек ҳуқуқий муносабат муайян давлат ҳудудидан ташқарида юзага келган ёки амалга оширилган ҳолларда халқаро хусусий ҳуқуқ нормалари қўлланилиши лозим бўлади.

Г.Ю.Федосеева таъкидлаганидек, “Халқаро хусусий ҳуқуқ никоҳ-оила муносабатларининг фақат фуқаролик-ҳуқуқий табиатга эга бўлган соҳаларини тартибга солади” [1]. Унинг мазкур нуқтаи назарини қўллаб-қувватлаган ҳолда, шуни таъкидлаш жоизки, халқаро хусусий ҳуқуқ фақат шахсларнинг ихтиёрий иродаси асосида юзага келадиган, яъни ҳуқуқий субъектлар ўртасида шартнома ёки ҳуқуқий ҳаракатлар орқали шаклландиган никоҳ-оила муносабатларини (масалан, никоҳ тузиш, никоҳдан ажралиш, фарзандликка олиш каби) ҳуқуқий тартибга солиш доирасида амал қилади.

Шу тариқа, халқаро хусусий ҳуқуқ, ўз табиатига кўра, давлат органларининг бир томонлама мажбурлови ёки жиноят-ҳуқуқий хусусиятга эга муносабатлар эмас, балки хусусий-ҳуқуқий асосдаги ва ихтиёрий хусусиятга эга никоҳ-оила муносабатларини тартибга солишга қаратилган нормалар мажмуини ўз ичига олади.

Халқаро хусусий ҳуқуқ доирасига кирувчи бошқа муносабатлардан фарқли равишда никоҳ муносабатлари фақатгина икки ҳолатда чет эл элементи билан мураккаблашади.

Биринчидан, муносабат субъектларининг турли мамлакат фуқаролари бўлиши ва иккинчидан, ушбу муносабатни вужудга келтирувчи, ўзгартирувчи ёки бекор қилувчи юридик фактнинг муносабат субъектлари мансуб бўлган мамлакат чегарасидан четда содир бўлиши.

Чет эл элементи бу – нафақат фактик ҳолат, балки ҳуқуқий муносабат таркибини ташкил қилувчи юридик тушунчадир. У ўзи тегишли бўлган мамлакат қонунчилигининг элементи бўлиб ҳисобланади. Натижада бир ҳуқуқий муносабатнинг турли элементлари турли мамлакатлар қонунчилиги таъсири доирасида бўлади. Демак, ушбу ҳуқуқий муносабат унинг

у ёки бу элементи тегишли бўлган ҳар қайси мамлакат қонунчилиги билан тартибга солиниши мумкин. Шу аснода халқаро хусусий ҳуқуқ предмети турли мамлакатлар қонунчилиги таъсири доирасидаги ҳуқуқий муносабатлар сифатида, яна бир шаклини келтириб чиқариш мумкин.

Ҳуқуқий муносабатда чет эл элементининг мавжудлиги, унинг албатта халқаро хусусий ҳуқуқ доирасига киришини англамайди. Хусусий-ҳуқуқий муносабатларнинг ҳуқуқий тартибга солиниши турли ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий омиллар таъсирида шаклланган миллий қонунчиликка боғлиқ бўлиб, бунда ҳуқуқий тизимлар ўртасидаги фарқлар табиий ҳол сифатида намоён бўлади.

Л.А.Лунцнинг фикрича, “агар маълум муносабатлар турини тартибга солиш доирасида алоҳида давлатлар қонунлари ўртасида фарқ бўлмаса, коллизия нормаларнинг зарурати ҳам бўлмайди” [4].

Н.Раҳмонқулова бу борада “чет эл элементи билан мураккаблашган хусусий ҳуқуқий муносабатнинг халқаро хусусий ҳуқуқ доирасига киришига асос бўлувчи яна бир омил, турли мамлакатлар қонунчилигининг фарқланишидир” [5], деб ҳисоблайди.

Юқоридаги фикрларга тўлиқ қўшилган ҳолда таъкидлаш лозимки, ҳуқуқий муносабатларда чет эл элементининг мавжудлиги ва уларнинг турли давлатларнинг ҳуқуқий тизимлари доирасида юзага келиши, шубҳасиз, коллизия нормаларни қўллаш заруратини келтириб чиқаради. Шу жиҳатдан, турли ҳуқуқий тизимлар ўртасидаги қонуний тартибга солишдаги номутаносиблик ва фарқлар, ҳуқуқий муносабатнинг мазмуни ва юзага келиш шароити билан уйғун ҳолда, халқаро хусусий ҳуқуқнинг мавжудлигини ва унинг амалий аҳамиятини белгилайди. Шу сабабли, мазкур олимларнинг фикрлари назарий ва амалиёт нуқтаи назаридан ўзгармас аҳамиятга эга ҳисобланади.

Бу ўринда “**коллизия**” сўзи (“қонунлар коллизияси”, “коллизия масала”, “коллизия норма”) бу ерда турли мамлакатлар қонунчиликларининг тўқнашувини ифода этадиган ибора сифатида ишлатилмоқда.

“Хорижий сўзлар луғати”да “коллизия” сўзи “қарама-қарши нуқтаи назарлар, интилишлар, манфаатлар тўқнашувини англатади” [6], деб изоҳ берилган. “Коллизия ҳуқуқ” дегани эса, халқаро хусусий ҳуқуқнинг нормалари бўлиб, маълум бир масалада тўқнаш келган хорижий ва ўз давлати қонунларида қайси бири қўлланилишини аниқлаб беради.

А.С.Шабуровнинг таърифича, “Коллизия – лотинча “тўқнашувчи иш” деган маънони беради, у қарама-қарши мақсадлар, манфаатлар ва истаклар тўқнашувидир” [7]. Лекин ушбу атама шартли характерга эга. Аслида қонунлар коллизияси, яъни улар ўртасида қўлланиши зарур бўлган қонунлар танлаш ҳақида сўз юритилади.

Суд ёки бошқа орган томонидан турли давлатлар қонунларини ўрганиш, изоҳлаш ва қиёслаш йўли билан чет эл элементи билан мураккаблашган муносабатга нисбатан тегишли ҳуқуқ нормасини қўллаш тўғрисидаги масаланинг ҳал қилиниши, халқаро мулкӣ ва шахсий муносабатларни тўғри тартибга солиш учун муҳим аҳамиятга эга.

Коллизия муаммо – у ёки бу ҳуқуқий муносабатга нисбатан қўллаш учун тегишли бўлган нормани танлаш муаммосидан иборат. Коллизия нормалар бошқа ҳуқуқ соҳалари нормаларига нисбатан иккинчи даражали аҳамиятга эга бўлиши мумкин. Лекин улар халқаро хусусий ҳуқуқнинг мазмунини ташкил қилади ва моддий ҳуқуқ соҳаларидаги тўқнашувларни бартараф қилишда асосий вазифани бажаради.

Коллизия норма муайян муносабатга нисбатан қайси давлатнинг ҳуқуқи қўлланиши мумкинлигини кўрсатиб туради. Коллизия норманинг бошқа ҳуқуқ соҳалари нормаларидан асосий фарқи шундаки, унинг воситасида қўлланиши учун керак бўлган ҳуқуқни кўрсатиш йўли билан коллизия муаммо бартараф қилинади.

Масалан, Франция ва Буюк Британиянинг қонуни бўйича 18 ёшга тўлмаган қиз онасининг розилигисиз никоҳдан ўтиш ҳуқуқига эга эмас, Швеция ва Швейцария қонуни бўйича 18 ёшга тўлган аёл ва 21 ёшга тўлган эркак никоҳдан ўтиш ҳуқуқига эга [8], Ўзбекистон қонуни бўйича 18 ёшга тўлган эркак ёки аёл ихтиёрий равишда никоҳ тузишлари мумкин. Чет

эл фуқароси билан Ўзбекистон фуқароси ўртасида тузиладиган никоҳнинг шартлари Ўзбекистон қонунлари билан белгиланади.

Фикримизча, коллизия норма – бу тегишли ҳуқуқий муносабатга нисбатан қайси давлатнинг ҳуқуқини қўллаш кераклигини белгилаб берувчи нормадан иборат. Коллизия норма ҳавола қилувчи, кўрсатиб берувчи норма характериға эға бўлганлиги туфайли, ундан фақат биронта моддий-ҳуқуқий норма, яъни масалани ҳал қилишға қаратилган қонуннинг моддий-ҳуқуқий нормаси билан биргаликда фойдаланиш мумкин. Коллизия норма билан моддий-ҳуқуқий нормалар биргаликда ҳуқуқий муносабатларда қатнашувчилар учун тегишли бўлган хатти-ҳаракат қоидаларини яратади. Халқаро хусусий ҳуқуқ таркибида коллизия ва моддий-ҳуқуқий нормаларни бирлаштириш икки хил метод (усул) ёрдамида, лекин характери жиҳатдан бир хил бўлган муносабатларни тартибға солади.

Ҳозирги шароитда аксар кўпчилик мамлакатлар бир хил бўлган моддий- ҳуқуқий нормаларни қўллаш доирасини тобора кенгайтириш йўлиға ўтиб олган. Лекин бирхиллаштириш йўли билан халқаро ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг барча масалаларини қамраб олишни иложи йўқ, унинг муайян чегараси мавжуд.

Кўп ҳолларда халқаро шартномаларға асосланган муносабатларда коллизия нормаларни қўллаш самарали натижалар бериши билан бир қаторда, ушбу муносабатларнинг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, коллизия нормаларни қўлламасликнинг иложи йўқ. Фуқаролар иштирокидаги муносабатларни тартибға солиш умумий қоида бўйича асосан коллизия метод воситасида амалға оширилади.

Бундай ҳолларда бирхиллаштирилган коллизия нормалардан фойдаланиш ҳам мумкин, чунки бирхиллаштириш фақат моддий-ҳуқуқий нормалар эмас, балки коллизия нормаларға ҳам хосдир. Фуқаролик, оилавий, жиноят ишлари масалалари бўйича ҳуқуқий ёрдам бериш тўғрисида тузилган шартномалар ва келишувларда ҳам бирхиллаштирилган коллизия нормалар мавжуд. Коллизия метод асосида тартибға солишнинг зарурияти қуйидагиларда намоён бўлади:

биринчидан, моддий-ҳуқуқий нормаларни бирхиллаштириш жараёнида қоидасиз, нормасиз очик қолган муносабатларни тартибға солиш учун ёрдамчи ёки кўшимча меъёр сифатида фойдаланиш мақсадида;

иккинчидан, халқаро ҳамкорликнинг алоҳида соҳаларида вужудға келадиган муносабатларни тартибға солиш ва уни амалға оширишда асосий қоида сифатида қўллаш учун;

учинчидан, баъзи сабабларға кўра моддий-ҳуқуқий нормалардан фойдаланиш ва уларни қўллаш учун қийинчиликлар мавжуд бўлганлиги сабабли.

Айнан оила ҳуқуқи соҳасидаги муносабатларнинг коллизиявий тартибға солиниши ўзининг спецификасига эға ва бевосита шахс билан боғликлигини айтиб ўтиш лозим. Оила-ҳуқуқий муносабатларда коллизияларнинг вужудға келиши кўплаб моддий-ҳуқуқий нормалар билан боғлиқ, бунинг зарурий шarti эса бундай муносабатларда, албатта, хорижий элемент мавжуд бўлиши лозим. Оила ва никоҳ соҳасидаги муносабатларни тартибға солишнинг мураккаблиги шундаки, бунда муносабатлар икки ва ундан ортик давлатлар билан, аниқроғи, ҳуқуқий тизимлар билан боғлиқ бўлади.

Давлат оилавий-ҳуқуқий масалаларни ўзининг миллий тарихий келиб чиқиши, анъана ва урф-одатлари, замонавий ҳақиқатларига асосан тартибға солади, шу сабабли, бир давлатнинг моддий-ҳуқуқий нормалари бошқа давлатнинг моддий-ҳуқуқий нормаларига мос келмаслиги, зид бўлиши мумкин.

Амалиётда оилавий-ҳуқуқий муносабатларнинг қуйидаги муаммолари мавжуд: никоҳ тузилиши шакли ва тартибининг фарқланиши, диний тақиқлар, “оқсоқ никоҳлар”, чет эллик билан никоҳнинг тақиқланиши, ишончнома орқали никоҳнинг тузилиши, вакиллар орқали никоҳнинг тузилиши, полигамия ва моногамиялар, айрим давлатларда бир жинсли никоҳға рухсат этилганлиги ва бошқалар.

Биргина никоҳни тузишда никоҳ тузилган жой қонуни, коллизия-ҳуқуқий метод оила ҳуқуқининг қуйидаги малалаларини ҳал этишда қўлланилади:

1. Никоҳни қайд этиш ва бекор қилиш, уни ҳақиқий эмас деб топишда;
2. Эр-хотин ўртасидаги мулкый муносабатларни тартибга солишда;
3. Ота-она ва болалар ўртасидаги ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларни тартибга солишда;
4. Алимент бўйича ҳуқуқий муносабатларда;
5. Оталик ва оналикни белгилашда, фарзандликка олишда.

Шунингдек, оила-ҳуқуқий муносабатларга нисбатан қайси давлат ҳуқуқи қўлланилиши лозимлигини белгилаб берувчи қатор коллизия боғланишлар мавжуд. Булар:

1. Никоҳ тузилган (бекор қилинган) жой қонуни.
2. Эр-хотиннинг шахсий қонуни.
3. Боланинг доимий яшаб турган жойи қонуни.
4. Фарзандликка олувчининг шахсий қонуни.
5. Суд қонуни.
6. Эр-хотиннинг биргаликда яшаб турган жойи қонуни.
7. Эр-хотиннинг охирги биргаликда яшаган жой қонуни.
8. Боланинг шахсий қонуни.
9. Умумий оилавий мулк жойлашган жой қонуни ва бошқалар [9].

Эр ва хотиннинг шахсий қонуни билан боғлиқ коллизия боғланишлар амал қилишини кўришимиз мумкин. Аммо ҳамма давлатлар ҳам бошқа давлат ҳудудида тузилган никоҳларни тан олмайди, бу ерда “оқсоқ никоҳ”лар вужудга келади. Мураккабликлар айнан бошқа давлатларда ўрнатилган никоҳнинг шакли ва тузилиши тартиби билан боғлиқ бўлиши мумкин. Масалан, Ўзбекистонда полигам никоҳларга рухсат этилмаган, аммо кўпгина ислом давлатларида (Афғонистон, Саудия Арабистони) кўп хотинликка рухсат этилган. Шу тариқа агар ўзбекистонлик аёл, расман никоҳда турган чет давлат фуқароси билан ўша мамлакат ҳудудида никоҳ тузадиган бўлса, бу никоҳ Ўзбекистонда тан олинмайди.

Никоҳни бекор қилиниши масаласида ҳам турли давлатларда коллизия боғланишлар амал қилади, бир давлат миллий қонунчиликка асосланган ажримни тан олади, бошқа давлат эр-хотиннинг яшаб турган жойи бўйича, яна бошқаси эса суд жойлашган жой қонунини тан олади. 1970 йилдаги Гаага конвенциясида никоҳдан ажралиш амалга оширилган давлатда рухсат этилган ажралишнинг ҳар қандай шакли бошқа давлатларда тан олинishi белгилаб кўйилган.

Халқаро оила ҳуқуқида эр-хотин ўртасидаги мулкый муносабатлар ҳам алоҳида аҳамиятга эга ва у икки хил амалга оширилади: қонуний ва шартномавий. Халқаро оила-ҳуқуқий муносабатларда, айниқса, фарзандликка олиш билан боғлиқ нормалар нисбатан мураккаблик касб этади. Бу соҳадаги коллизиялар турли давлатларнинг моддий нормаларидаги қарама-қаршиликлар билан боғлиқ. Бу ерда фарзандликка олувчининг шахсий қонуни, шунингдек, фарзандликка олувчининг шахсий қонуни ҳам аҳамиятга эга бўлиши мумкин.

Ўзбекистон қонунчилигига кўра, чет давлат фуқароси бўлган болани фарзандликка олишда бола фуқароси бўлган давлатнинг ваколатли органлари рухсати талаб этилади. Булардан кўриниб турибдики, қўлланиладиган ҳуқуқни танлашда коллизия боғланишлар муҳам аҳамиятга эга.

Масалан, Хитойда никоҳ тузилишида никоҳ тузилган жой қонуни қўлланилади, никоҳни бекор қилишда эса, ажрим масаласини кўриб чиқишга қабул қилган суд жойлашган жой қонуни қўлланилади.

Бундан ташқари, баъзи давлатларда никоҳ тузилишида ирқий ва диний чеклашларнинг мавжудлиги ҳам коллизияларни келтириб чиқаради, гарчи бу халқаро нормаларга зид бўлса ҳам. Никоҳга лаёқатлилик масаласида ҳам муаммолар мавжудлигини айтиб ўтиш лозим. Швейцарияда никоҳ ёши 18 ёшни ташкил этади, Францияда ҳам 18 ёш қилиб белганланган, аммо фақат эркаклар учун, аёллар учун эса – никоҳ ёши 15 ёшни ташкил қилади. Бу ҳолат ҳам “оқсоқ нокоҳ”ларни келтириб чиқаради. Албатта, барча давлатларнинг никоҳ ёшини бирхиллаштириш мумкин эмас, чунки бу масала уларнинг урф-одат ва анъаналари,

жойлашуви каби омиллар билан боғлиқ. Аммо ҳақиқий ҳисобланмай қоладиган никоҳларни камайтириш учун бу масалани ҳам тартибга солиш лозим бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 24-моддасига биноан чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ таъминланади. Улар Ўзбекистон Конституцияси, қонунлари ва халқаро шартномалари билан белгиланган бурчларни адо этадилар.

Чет эл фуқаролари Ўзбекистон фуқаролари фойдаланадиган ҳуқуқ лаёқатига тенг эга бўлганлари каби никоҳ лаёқатига ҳам эгадирлар. Никоҳ тузиш тартиби ва уни расмийлаштириш учун белгиланган шартлар (Оила кодекси (ОК), 13-17-моддалар) чет эл фуқаролари учун ҳам тааллуқлидир.

Шунга кўра, ана шу моддаларда белгиланган шартлар бузиладиган ва никоҳ тузишга монелик қилувчи (ОК, 16-модда) ҳолатлар бўлса, никоҳни қайд қилишга йўл қўйилмайди. Масалан, чет эл фуқаросининг қонуни бўйича унга икки ёки ундан ортиқ хотин олиш (полигамлик никоҳ) ҳуқуқи назарда тутилган бўлса-да, Ўзбекистон ҳудудида ва Ўзбекистон қонунига мувофиқ унинг иккинчи никоҳи қайд қилинмайди. Демак, бундай ҳолларда Ўзбекистон қонуни қўлланилади. Лекин полигамлик никоҳда йўл қўядиган қонунга асосан тузилган бундай никоҳдан туғилган болалар учун Ўзбекистон суди қарори билан алимент ундириш мажбурияти бекор қилинмайди, чунки чет эл қонунига асосан чет элда туғилган болалар учун алимент ундириш қондаси Ўзбекистон қонунига зид келмайди.

Чет эл ҳуқуқининг Ўзбекистон Республикасида қўлланилиши давлатимиз тузилиши, унинг ҳуқуқий тартиботи асосларига, ўрнатилган оммавий тартибга зид эканлиги ҳолатини эмас, балки бу асосларга, тартибга чет эл ҳуқуқининг зид келишини ва шунинг учун қўллаб бўлмаслигини аниқлатади.

Сўнгги йилларда халқаро оилавий-ҳуқуқий муносабатларда ҳам коллизия боғланишларни классик ва замонавий турларга ажратилиши кузатиляпти. Классик боғланишлар – шахснинг шахсий қонуни, никоҳ тузилган жой қонуни, суд қонуни бўлса, кейинги йилларда пайдо бўлган замонавий боғланишлар эса – тарафлар учун энг қулай бўлган қонун (*lex benignitatis*), энг яқин алоқалар қонуни, тарафлар иродасининг чекланган автономияси (*lex voluntatis*)дир. Бу замонавий боғланишлар келгусида масаланинг янада прогрессив ва самарали ҳал этилишида муҳим аҳамиятга эга бўлади [10].

Ўзбекистон Республикасида мамлакат фуқароларининг чет элликлар билан никоҳ тузишлари ҳақида тўхталадиган бўлсак, халқаро ҳамкорликнинг ҳозирги шарт-шароитларида Ўзбекистон фуқароларининг чет элликлар билан тузаётган никоҳлари сони ошиб бораётганлиги кузатилмоқда. Бундай никоҳларнинг тузилиши, ўз навбатида, болалар ва улар ота-оналарининг турли мамлакатлар фуқаролигида бўлишлари сони кўпайиб кетишига сабаб бўлмоқда.

Ўзбекистонда Республика фуқаролари билан чет элликлар ўртасида, чет элликлар билан чет элликлар ўртасида, шу жумладан турли мамлакатлар фуқаролари ўртасида тузилган никоҳлар қайд этилди. Қонунчилигимизда Ўзбекистон фуқароларининг чет элликлар билан никоҳ тузишлари ёки шундай никоҳ учун рухсатнома олишлари тақиқланмаган.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фуқароларимиз чет эл фуқаролари билан, чет эл фуқаролари эса ўзаро Ўзбекистон Республикасининг ОК 3-бобида кўрсатиб ўтилган тартиб ва шартларга амал қилган ҳолда Ўзбекистон қонунларига биноан никоҳ тузадилар. Кодекснинг 234-моддасида бу тўғрида шундай дейилади: “Ўзбекистон Республикасида доимий яшаб турган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар унинг ҳудудида оилавий муносабатларда Ўзбекистон Республикаси фуқаролари билан тенг ҳуқуқлардан фойдаланадилар ва тенг мажбуриятларга эга бўладилар” [11]. Бошқача айтганда, ушбу соҳада “никоҳ тузилган жой” коллизия принципи қўлланилади. Никоҳ қонунчилигимизда назарда тутилган шаклда тузилади, яъни фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органларида, қайд этиш учун белгиланган қоидаларга мос равишда тузилади. Ўзбекистонда диний расм-русумларга биноан тузилган никоҳ юридик оқибатларга олиб келмайди. Бу ҳақида Оила кодексининг 13-моддаси иккинчи қисмида норма мавжуд: “Диний расм-русумларга

биноан тузилган никоҳ ҳуқуқий аҳамиятга эга эмас”. Шу модданинг учинчи қисмида эса никоҳ тузиш учун никоҳланувчиларнинг шахсан ўзлари розилик беришлари лозимлиги айтилади: “Никоҳ тузиш никоҳланувчиларнинг фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органларига ариза берганларидан кейин бир ой ўтгач, шахсан уларнинг иштирокида амалга оширилади”.

Испания, Перу ва шунга ўхшаган бир қанча мамлакатларда эса никоҳ тузиш учун никоҳланувчилар маълум бир кишини вакил қилиб, унга ваколатнома беришлари мумкин. Бу жараён "matrimonio por poderes" деб аталади ва Испания Фуқаролик кодексининг 55-моддасида белгиланган. Унга кўра, агар никоҳланувчилардан бири судья, шаҳар раисининг ёки бошқа расмийнинг ҳудудида яшамаса, у ҳолда никоҳни ваколатнома асосида бошқа шахс орқали тузиш мумкин. Ваколатнома аниқ ва расмий равишда берилган бўлиши керак ва бошқа никоҳланувчи шахснинг шахсини аниқлаш учун зарур маълумотлар кўрсатилиши лозим. Шу билан бирга, бошқа никоҳланувчи шахснинг шахсий ҳозирлиги талаб қилинади [12]. Бизнинг қонуимизда эса, кўриниб турибдики, бундай вакилликка йўл қўйилмайди.

Чет эллик шахсларнинг Ўзбекистон Республикасида никоҳ тузишлари тартиби ва шартлари ҳам уларнинг миллий қонунлари бўйича эмас, балки Ўзбекистон қонунлари бўйича белгиланади, яъни:

- никоҳ тузиш ихтиёрийдир;
- никоҳ тузиш учун бўлажак эр-хотин ўз розилигини эркин ифода этиш қобилиятига эга бўлиши керак;
- никоҳ тузишга мажбур қилиш тақиқланади;
- никоҳ ёши эркаклар ва аёллар учун ўн саккиз ёш этиб белгиланади;
- узрли сабаблар бўлганида, алоҳида ҳолларда (ҳомиладорлик, бола туғилиши, вояга етмаган шахснинг тўла муомалага лаёқатли деб эълон қилиниши (эмансипация), никоҳга киришни хоҳловчиларнинг илтимосига кўра никоҳ давлат рўйхатидан ўтказиладиган жойдаги туман, шаҳар ҳокими никоҳ ёшини кўпи билан бир йилга камайтириши мумкин [11].

ОКнинг 16-моддада белгилаб қўйилганидек, никоҳланувчилардан лоақал биттаси рўйхатга олинган бошқа никоҳда турган бўлса, никоҳ тузишга йўл қўйилмайди. Айнан шу сабабдан кўп хотинли бўлишга рухсат берилган мамлакат фуқароси Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида тузилган никоҳда турган бўлса, Ўзбекистонда никоҳ тузишга ҳақли эмас. Шундай қилиб, чет эллик шахс, гарчи унинг мамлакатидега кўп хотинли бўлишга йўл қўйилса-да, Ўзбекистонда никоҳни қайд этишларини талаб қилолмайди. Туркия, Эрон сингари мусулмон мамлакатларида кўп хотинликка йўл қўйилмайди. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет элликлар никоҳ тузаётганларида худди ўзимизнинг фуқароларимиз никоҳ тузаётганликларидаги каби никоҳ тузишга монелик қиладиган ҳолатларнинг бор-йўқлиги, ва айниқса, никоҳланувчиларнинг бошқалар билан никоҳда туриш-турмаслиги текшириб кўрилади. Никоҳ тузишга монелик қиладиган ҳолатлар тўғрисида хабар бериш мажбурияти никоҳланувчилар зиммасидадир.

Ҳужжатларида оилавий аҳвол тўғрисида ҳеч қандай маълумот ёзилмайдиган чет элликлар тузаётган никоҳлар қайд этилганда, улар никоҳни қайд этаётган муассаса талаби бўйича ўзлари фуқароликда турган мамлакатларнинг ваколатли органлари томонидан берилмайдиган, ўзларининг никоҳда турмаслиги (боши очиклиги) тўғрисидаги далолатномани тақдим этишлари лозим. Амалда бундай далолатномалар тегишли давлатларнинг Ўзбекистон Республикасидаги элчихонаси ёки ваколатхонаси томонидан берилади. Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 16-моддасида никоҳ тузишга монелик қиладиган ҳолатлар санаб ўтилган:

Шундай қилиб:

- лоақал биттаси рўйхатга олинган бошқа никоҳда турган шахслар ўртасида;
- насл-насаб шажараси бўйича тўғри туташган қариндошлар ўртасида, туғишган ва ўғай ака-укалар билан опа-сингиллар ўртасида, шунингдек фарзандликка олувчилар билан фарзандликка олинганлар ўртасида;

- лоақал биттаси руҳият бузилиши (руҳий касаллик ёки ақли заифлиги) сабабли суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган шахслар ўртасида никоҳ тузишга йўл қўйилмайди.

Чет эл фуқаролари томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тузиладиган никоҳларни қайд қилишда, уларнинг ватани қонунларида белгиланган ман қилувчи нормалар ёки чекловлар (масалан, ирқий ёки диний асослардаги тақиқлар, ота-оналарнинг розилигисиз мумкин эмаслиги каби) тан олинмайди. Бунда мазкур хорижий қонунларда белгиланган чекловлар Ўзбекистон қонунчилиги ва халқаро ҳуқуқ нормалари билан мувофиқлаштирилиши талаб этилади. Шу муносабат билан, айрим давлатлар, масалан, Жазоир Халқ Демократик Республикасининг 1984 йилги Оила кодексининг 31-моддасига кўра, “муслималарнинг мусулмон бўлмаган фуқароларга (ғайридинларга) турмушга чиқиши тақиқланган қонуни мавжуд, бундай чекловлар Ўзбекистонда никоҳни қайд этмаслик учун асос бўлмайди” [13].

Россия Федерациясининг Оила кодексигадаги 156–167-моддаларида нормаланишича, “Россия Федерацияси ҳудудида никоҳ тузишнинг шакли ва тартиби Россия Федерацияси қонунлари бўйича белгиланади. Агар чет эл фуқароси бўлган шахс бир вақтнинг ўзида Россия Федерациясининг ҳам фуқароси бўлса, никоҳ Россия Федерацияси қонунлари бўйича тузилади. Агар шахс бир қанча хорижий давлатлар фуқаролигига эга бўлса унинг хоҳиши бўйича ўша давлатлардан бирининг қонунчилиги қўлланилади. Фуқаролиги бўлмаган шахснинг Россия Федерацияси ҳудудида никоҳ тузиши ўша шахс доимий тураржойга эга бўлган давлат қонунлари бўйича амалга оширилади” [14].

Россия Федерациясида хорижий элемент иштирокидаги оилавий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишда миллий қонунчилик ҳамда халқаро шартномалар муҳим ўрин тутаяди. Россия Федерацияси фуқароси Россия ҳудудидан ташқарида никоҳдан ўтишни хоҳласа, у Россия Федерациясининг тегишли хориждаги дипломатик ваколатхоналари ёки консуллик муассасалари орқали никоҳни расмийлаштириши мумкин.

Россия Федерацияси Оила кодексининг 157-моддасига кўра, “Россия Федерацияси ҳудудида хорижий давлатларнинг элчихоналари ёки консуллик муассасаларида тузилган никоҳ, агар никоҳланувчилар тегишли давлат фуқаролари бўлса ва ушбу давлат Россия Федерациясига дипломатик ёки консуллик ваколатхонаси юборган бўлса, фақатгина ўзаро келишув шартида ҳақиқий деб эътироф этилади”.

Бундан ташқари, Оила кодексининг 158-моддасида “Россия Федерацияси ҳудудидан ташқарида тузилган никоҳларнинг тан олинishi”, 160-моддада “Никоҳнинг тугатилиши”, 161-моддада “Эр ва хотиннинг шахсий номулкий ва мулкий ҳуқуқлари ва мажбуриятлари”, 162-моддада “Оталик (оналик)ни белгиланиши ва шу хусусда низолашиш”, 163-моддада “Ота-оналар ва болаларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари”, 164-моддада “Балоғатга етган фарзандлар ва бошқа аъзоларнинг алиментга оид мажбуриятлари”, 165-моддада “Фарзандликка олиш”, 166-моддада “Хорижий оила ҳуқуқи нормалари моҳиятини аниқлаш” ҳамда 167-моддада “Хорижий оила ҳуқуқи нормаларини чеклаш” каби нормалар ҳам бу соҳадаги ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиши [14].

Шунингдек, 1997 йил 15 ноябрда қабул қилинган “Фуқаролик ҳолати актлари тўғрисида”ги Федерация қонуни ва 1998 йил 5 ноябрда Россия Федерацияси Президенти Фармони билан тасдиқланган “Россия Федерациясининг консуллик муассасалари тўғрисида”ги низом [15]да хорижий элемент иштирокидаги оилавий муносабатлар алоҳида баён этилган.

Россия Федерацияси халқаро-ҳуқуқий ҳамкорлик доирасида қатор давлатлар билан фуқаролик, оила ва жиноят ишлари юзасидан ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги шартномаларни имзолаган. Бундай икки томонлама шартномалар орқали оила-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишнинг ҳуқуқий асослари яратилган. Жумладан, ушбу шартномалар Албания, Болгария, Венгрия, Вьетнам, КХДР, Куба, Монголия, Польша, Руминия, Чехия, Словакия, Сербия, Хорватия, Словения, Шимолий Македония, Черногория, Босния ва Герцеговина, Озарбайжон, Грузия, Қирғиз Республикаси, Латвия, Литва, Молдова ва Эстония каби мамлакатлар билан тузилган.

Шу тариқа, Россия Федерациясида хорижий элемент иштирокидаги никоҳ ва оилавий муносабатлар кўп даражали ҳуқуқий манбалар – миллий қонунлар, консуллик қоидалари ва халқаро шартномалар асосида тартибга солинади, бу эса бундай муносабатларнинг ҳуқуқий аниқлигини ва барқарорлигини таъминлашга хизмат қилади.

Демак, никоҳ муносабатларининг халқаро хусусий-ҳуқуқий тартибга солиш доирасига киришига қуйидаги омиллар сабаб бўлади:

- чет эл элементининг мавжудлиги;
- турли мамлакатлар никоҳ қонунчилигининг ўзаро фарқланиши;
- судлов мамлакатининг чет эл қонунчилиги билан ўзаро алоқада бўлишга тайёрлиги.

Юқорида келтирилган омиллар, яъни давлатлар ички қонунчилигидаги фарқлар ҳамда судлов мамлакатининг чет эл қонунчилигини қўллашга тайёрлиги туфайли чет эл элементи мавжуд бўлган никоҳ муносабати вужудга келганда ушбу муносабатнинг юзага келиши ёки бекор бўлиши масаласи билан шуғулланувчи ваколатли шахс олдида мазкур никоҳ муносабатига нисбатан қайси давлат қонунини қўллаш лозимлиги хусусида коллизия савол келиб чиқади. Ушбу коллизия саволга давлатларнинг ички қонун нормаларида ҳамда икки томонлама ёки кўптомонлама шартномаларида акс этган коллизия нормалар жавоб беради.

Халқаро хусусий ҳуқуқ доктринасига кўра, коллизия норма чет эл элементи билан мураккаблашган хусусий муносабатга нисбатан қўлланиши лозим бўлган ҳуқуқ тизимини кўрсатувчи нормадир. Шу боис, коллизия норма ҳаволаки характерга эга бўлган норма сифатида ҳам баҳоланади. Юридик адабиётларда коллизия норманинг юридик табиати ва аҳамиятига нисбатан турли ёндашувлар мавжуд. А.Рожественскийнинг фикрича, “коллизия нормалар техник нормалардир, яъни маълум мақсадга эришиш учун маълум усулни белгилайдиган нормалардир, айти холатда: турли жойлар қонунлари қоллизиясининг энг яхши ечими. Коллизия нормалар қонунлар шаклига киради ва бу юристларни чалкаштиради!” [16].

И.С.Перетерский ва С.Б.Крыловларнинг таъкидлашича, “... коллизия норма маълум бир масаланинг ечимини мустақил тарзда эмас, балки у ҳавола қилаётган ҳуқуқ манбаи билан биргаликда тартибга солади” [17].

Коллизия норма томонидан ҳуқуқий муносабатнинг у ёки бу давлат ҳуқуқига ҳавола қилиниши, унинг муайян ҳуқуқий тартибга солиш доирасига киритилганлигидан далолат беради. Бошқача айтганда, бундай ҳавола ҳуқуқий муносабат учун қайси давлатнинг қонуни қўлланилиши лозимлигини белгилаб беради.

Коллизия нормалар орқали давлатлар ўз фуқаролари ва бошқа ҳуқуқий субъектлар ўртасида вужудга келган ёки тугалланган хусусий-ҳуқуқий муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тан олинishi ва юридик кучга эга бўлишини таъминлашга интилади. Бу эса, фақат мазкур давлатнинг миллий ҳудудида эмас, балки бошқа мамлакатларда ҳам тегишли ҳуқуқий оқибатларга олиб келиши мумкин.

Шу билан бирга, ҳар бир давлат ўз ҳудудида чет эл элементи иштирокида юзага келган никоҳ каби оилавий муносабатларни, одатда, ўз миллий қонунчилиги асосида тартибга солишга интилади. Бу борада икки хил ёндашув кузатилади:

1. Ҳудудий амалиётга асосланган ёндашув – бунда давлат ҳудудида бўлган ҳар қандай шахсга, унинг фуқаролигидан қатъи назар, миллий қонунчилик тенг равишда татбиқ этилади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 234-моддасига мувофиқ, Ўзбекистонда доимий яшовчи чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар оилавий муносабатларда тенг ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўладилар. Бу ҳолат қонуннинг ҳудудий ҳаракати тамойилини ифода этади.

2. Шахсий (персонал қонунчилиги) асосидаги ёндашув – айрим давлатлар, хусусан, Франция ўз фуқароларига нисбатан фуқаролик билан боғлиқ ҳуқуқий нормаларни ҳатто улар чет элда бўлганда ҳам қўллашни назарда тутди. Масалан, Франция Фуқаролик кодексининг 3-моддасида қайд этилганидек, “Фуқаролик ҳолати ва шахснинг лаёқати оид қонунлар, ҳатто француз фуқароси чет элда бўлган тақдирда ҳам, унга нисбатан қўлланилади”. Бу эса,

шахсга тегишли ҳуқуқий муносабатларда миллий қонуннинг ҳудудий чекловларсиз амал қилишини кўрсатади.

Бироқ бундай ҳолларда чет давлат қонунчилиги Франция қонунини мажбурий тарзда татбиқ этиши шарт эмас. Франция қонунчилиги фақатгина тегишли чет давлатнинг ҳуқуқи бундай ҳаволани назарда тутган тақдирда қўлланилади. Шу сабабли, шахсий қонуннинг чет элда қўлланилиши ҳар доим ҳам автоматик эмас, балки тегишли юрисдикция қонунчилигининг коллизия нормалари орқали амалга оширилади.

Никоҳ муносабатларини тартибга солувчи халқаро хусусий ҳуқуқ нормалари, хусусан, коллизия нормалар кўпинча императив характерга эга бўлиб, ҳуқуқий муносабатни қайси давлат қонуни асосида тартибга солиш лозимлигини қатъий белгилаб беради. Бундай нормалар юридик муносабат иштирокчиларининг хоҳишига боғлиқ равишда ўзгартирилиши мумкин бўлмаган, мажбурий ҳуқуқий қоидалар ҳисобланади.

Коллизия нормаларнинг бундай императив хусусияти, аввало, давлатлар томонидан оила институтини ҳимоя қилиш, миллий ҳуқуқий тартибнинг барқарорлигини сақлаш ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқий манфаатларини қафолатлаш мақсадида жорий этилади.

Бу борада Германия ҳуқуқ тизими яққол мисол бўла олади. Германия Гражданлик Тузуқларини амалга киритиш тўғрисидаги 1896 йилги қонуннинг 13-моддасига мувофиқ, “никоҳ тузиш шартлари ҳар бир никоҳланувчи шахс учун, унинг фуқаролигига эга бўлган давлат қонунига мувофиқ аниқланади”. Демак, Германияда никоҳ шартларини белгилашда шахснинг фуқаролигига асосланган қонун татбиқ қилинади ва бу шарт субъектив эрк асосида эмас, балки давлат томонидан қўйилган императив нормалар асосида амалга оширилади [18].

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида ҳам ушбу тамойил сақланади. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси ва “Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш қоидалари”да чет эл фуқаролари ёки фуқаролиги бўлмаган шахслар томонидан Ўзбекистон ҳудудида тузиладиган никоҳ муносабатларига нисбатан белгиланган ҳуқуқий тартиб императив қоидалар асосида амалга оширилади. Бу эса, мамлакатдаги ҳуқуқий барқарорлик ва ҳуқуқий аниқликни таъминлашга хизмат қилади.

Шундай қилиб, никоҳ муносабатларини тартибга солишдаги коллизия нормаларнинг императив табиати, бир томондан, ҳуқуқий муносабатларнинг барча иштирокчилари учун аниқ ва умумий қоидаларнинг мавжудлигини таъминласа, иккинчи томондан, ҳар қандай субъектив эрк ва ихтиёрийликдан мустақил равишда ҳуқуқий муносабатни давлат манфаати ва ҳуқуқий тартиб нуқтаи назаридан белгилаш имконини яратади.

Қайд этилганлардан хулоса қилиш мумкинки, халқаро хусусий ҳуқуқда никоҳ – бу турли давлат фуқаролари (ёки фуқаролиги бўлмаган шахслар) ўртасидаги шахсий ва мулкӣ муносабатларни ҳуқуқий тартибга солувчи институт бўлиб, унинг амалга оширилиши ва ҳақиқийлиги ҳар бир давлатнинг миллий қонунчилиги ҳамда қонунлар коллизияси қоидалари орқали белгиланади.

## Иқтибослар/Сноски/References:

1. Международное частное право: учебник /Л.П.Ануфриева, К.А.Бекяшев, Г.К.Дмитриева; Отв. ред. Г.К.Дмитриева. 2-е изд., перераб. и доп. – М., Проспект, 2009. – С.572 (International private law: textbook / L.P. Anufrieva, K.A. Bekyashev, G.K. Dmitrieva; Rep. ed. G.K. Dmitrieva. 2nd ed., revised. and additional – M., Prospekt, 2009. – P.572.).
2. Звеков В.П. Международное частное право. Курс лекций. – М., НОРМА, 2000. – С.8 (Zvekov V.P. International private law. Lecture course. – M., NORMA, 2000. – P.8.).
3. Дмитриева Г.К. Международное частное право (часть третья ГК РФ). Учеб. пособие. – М., Юрист, 2002. – С.13 (Dmitrieva G.K. International private law (part three of the Civil Code of the Russian Federation). Textbook. – M., Jurist, 2002. – P. 13).
4. Лунц Л.А. Курс международного частного права. Общая часть. – М., 1973. – С.24 (Lunts L.A. Course of international private law. General part. – M., 1973. – P.24).

5. Раҳмонкулова Н. Халқаро хусусий ҳуқуқда никоҳ муносабатларининг тартибга солиниши. дис. ... юрид. фан. номз: 12.00.03. – Тошкент: 2011 (Rakhmonkulova N. Regulation of marital relations in private international law. Dissertation ... jurid. science. candidate: 12.00.03. – Tashkent: 2011).
6. Хорижий сўзлар луғати (– М., «Русский ’ язык», 1988, 241 б) (Dictionary of foreign words (– М., "Russky ’ yazyk", 1988, p. 241).
7. А.С.Шабуров. Коллизии в современном законодательстве: теоретико методологические аспекты исследования // Вестник КГУ. 2005. – №3. 90-с (A.S.Shaburov. Collisions in modern legislation: theoretical and methodological aspects of the study // Vestnik of KSU. 2005. – No. 3. 90-p).
8. И.Б.Иловайский. Правовое регулирование брачно-семейных отношений с иностранным элементом. – Волгоград: 2022. – С. 23-24 (I.B. Ilovaisky. Legal regulation of marital and family relations with a foreign element. – Volgograd: 2022. – P. 23-24).
9. Абдурахманова Х.Б. Ота-она ва болалар алимент укуклари ва мажбуриятларининг коллизия тартибга солиш. Рисола. – Тошкент: 2015. 73-б. (Abdurakhmanova Kh.B. Conflict regulation of alimony rights and obligations of parents and children. Treatise. – Tashkent: 2015. p. 73.)
10. <https://docslib.org/doc/3254756/choice-of-law-in-international-family-and-succession-law>.
11. Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 й., 5-6-сонга илова. URL.: <https://www.lex.uz/acts/104720> (Family Code of the Republic of Uzbekistan // Bulletin of the Oliy Majlis of the Republic of Uzbekistan, 1998, Appendix to No. 5-6. URL: <https://www.lex.uz/acts/104720>).
12. Spanish Civil Code. Available at. // <https://advocatetamoy.com/spanish-civil-code>.
13. Каримов Т. (2023). Ўзбекистон Республикасида судьяларнинг интизомий жавобгарлиги // Жамият ва инновациялар – Society and Innovations. №4(1). 39-б. (Karimov T. (2023). Disciplinary liability of judges in the Republic of Uzbekistan // Society and Innovations. No. 4(1). p. 39).
14. Российская Федерация. (1995). Семейный кодекс Российской Федерации от 29 декабря 1995 года № 223-ФЗ (в ред. от 01.07.2021 г.). Раздел VII. Статьи 156–167. Доступ: [https://www.consultant.ru/document/cons\\_doc\\_LAW\\_8982](https://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_8982) (Russian Federation. (1995). Family Code of the Russian Federation of December 29, 1995 No. 223-FZ (as amended on July 1, 2021). Section VII. Articles 156–167. Available at: [https://www.consultant.ru/document/cons\\_doc\\_LAW\\_8982](https://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_8982)).
15. Российская Федерация федеральный закон об актах гражданского состояния – Федеральный закон «Об актах гражданского состояния» от 15.11.1997 N 143-ФЗ // [https://www.consultant.ru/document/cons\\_doc\\_LAW\\_16758](https://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_16758) (Russian Federation Federal Law on Acts of Civil Status – Federal Law “On Acts of Civil Status” dated 15.11.1997 N 143-FZ // [https://www.consultant.ru/document/cons\\_doc\\_LAW\\_16758](https://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_16758)).
16. Тилле А.А. Время, пространство, закон. – М., 1965. – С.159 (Tille A.A. Time, space, law. – М., 1965. – P.159).
17. Перетерский И.С., Крылов С.Б. Международное частное право. – М., 1959. – С.11 (Peretersky I.S., Krylov S.B. International private law. – М., 1959. – P.11).
18. <https://interlex-portal.eu/FindLaw/Doc/CourtAct/6305962>.

# ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ

JOURNAL OF LAW RESEARCH

**Editorial staff of the journals of [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000

**Контакт редакций журналов. [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**

ООО Тадқиқот город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000